

**“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти,
Узун тумани, Жомий кўчаси -22 уй.

2025-йил 22-июль.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22 уй, “Узун пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100 дона

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият Бош директорининг 2025-йил 29-июндаги 01-10/42-сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2025-йил 1-июлдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2025-йил 22-июлда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025-йил 17-июль.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 893 375 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Курбанов Шамситулла Аллаевич иштирок этмоқда.

Ш.Курбанов йиғилиш раёсатини ва котибинин сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1.Курбанов Шамситулла Аллаевич-“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи-йиғилишда раислик қилувчи;

2.Гулямов Нигматулло Кадирович-жамият Кузатув кенгаши аъзоси;

3.Қаюмов Махмуд Маннонович-жамият Кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Х.Ҳайдаров-жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Х.Ҳайдаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2025-йил 16-июль ҳолатига шакллантирилган “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 681 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 414 242 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 67,36 фоизини ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ў.Алиев -жамият Бош директори в.в.б.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. “Узун пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида.
3. “Узун пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини таништириб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ш.Курбанов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2025-йил 1-июлдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси-Ҳайдаров Хайрулла Ботирович, “Сурхондарёпахта-саноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси-Холиков Сухроб Боборахматович ва Жамият акциядори-Ботиров Одилбек Хайрулла ўғли ларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-2 414 242 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Номўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1). Ҳайдаров Хайрулла Ботирович;
- 2). Холиков Сухроб Боборахматович;
- 3). Ботиров Одилбек Хайрулла ўғли.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб жамият томонидан 2025-йил 29-июндаги 01-10/42-сонли мурожаат хати билан танишгирди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли ҳамда 2019 йил 18.мартдаги 230-сонли қарорларига асосан Узун тумани, Навруз ҚФЙда жойлашган “Узун пахта тозалаш” АЖнинг ва унга қарашли “Завод қоши, Файзова ва Коратог пахта тайёрлаш масканлари бино иншоотлари кўчмас мулк мажмуаси сифатида “Шашмохкашоб” АСФ (ҳозирда Денов Текстил кластер” МЧЖ) га сотилиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга келиб юқоридаги кўчмас мулк объектлари учун тўлов тўлиқ амалга оширилганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 98 ва 99 моддаларига асосан “Узун пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан “Узун пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-1 893 375 та овоз; “Қаршилар”- 520 867 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”-йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй манзилида жойлашган (СТИР: 201068447) “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Узун пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой давомида Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй биноси манзилида қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Узун пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича қуйидагиларни гапириб ўтди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 98-моддасига асосан Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани жамият акциядорларининг умумий йиғилишига ҳал қилиши учун олиб чиқиши белгиланган.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади. Акциядорлар умумий йиғилишига уч кишидан иборат тугатиш комиссияси раиси ва аъзоларини тайинлаш тавсия этилган. Тугатиш комиссияси вазифасига жамиятни тугатиш билан боғлиқ барча ишлар, кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш, солиқ, иш ҳақи, акциядорлар билан ҳисоб китоблар ҳамда якуний тегишли ҳисоботларни топширилиши ҳамда жамиятга тегишли бўлган асбоб ускуналарни сотилишини таъминлаш эътиборга олиниб, уч кишидан иборат, яъни тугатиш комиссияси раислигига номзод сифатида жамият Бош директори в.в.б. Ў.Алиев ва комиссия аъзолигига эса жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Х.Ҳайдаров ва жамиятда механик лавозимида ишлаб келган Курбонов Муҳибулло ларни таклиф этди.

Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки ушбу Қонуннинг 100-моддасига мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чоратадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Қонуннинг 100-моддаси. Тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимлаш.

Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

биринчи навбатда ушбу Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

учинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Агар жамиятдаги мавжуд мол-мулк ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига муносиб равишда тақсимланади.

Қўшимча сўзга чиққан жамият акциядори ва Кузатов кенгаши аъзоси М.Қаюмов Ш.Курбановнинг таклифини маъқуллаб, юқоридаги номзодларни сайлашни таклиф этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”-1 893 375 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”-йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар”- 520 867 та овоз.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Узун пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш комиссияси аъзолари қуйидаги тартибда сайлансин:

- Тугатиш комиссияси раиси Алиев Ўткир Асатиллоевич;
- Тугатиш комиссияси аъзоси Ҳайдаров Ҳайрулла Ботирович;
- Тугатиш комиссияси аъзоси Қурбонов Муҳибулло Аллаевич.

2. “Узун пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тўлиқ фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни (комиссия аъзоларининг иш хақи, хизмат хоналар, компьютер, телефон, интернет, канцтовар ва бошқалар) яратиш мақсадида тугатиш комиссияси томонидан харажатлар сметаси ишлаб чиқилсин ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ билан келишилган ҳолда тасдиқлансин.

3. "Узун пахта тозалаш" АЖ тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тухтатиш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида белгиланган талаб ва тартибдан келиб чиқиб ташкил этсин, жумладан:

- жамиятнинг тугатиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва муддатларини ўз ичига олган режани тасдиқлаш;

- жамиятнинг тугатилиши ва жамият кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

- жамиятнинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш, шу жумладан жамият қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузиш;

- жамият ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

- жамият акциядор (иштирокчи) бўлган ташкилотлардаги улушларини тасдиқловчи ҳужжатларни (депо ҳисоб рақамдан кўчирма, гувоҳнома) хатлов ўтказиш саваси ҳолатига олиш;

- жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш;

- Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг мол-мулк ва ҳужжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) ўтказилишини таъминлаш;

- кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралик тугатиш баланси лойиҳасини тузиш;

- савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишни таклиф этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш.Курбанов

Йиғилиш котиби:

Х.Ҳайдаров



Йиғилиш баённомаси 2025-йил "30" июлда 2 нусхада тузилди.